
ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БАРЧАМИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗДИР

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни "Халқ манфаатларига хизмат қилиш" тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини "Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун" деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда.

"Ўзбекистон жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон Жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги илғор хорижий ва миллий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ҳамда аҳолини ҳар қандай таҳдидлардан кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган.

Бугун туман халқ таълими бўлими биносида сектор раҳбарлари, мутассади ташиклот вакиллари ва умумий ўрта таълим мактаблари директори ўринбосарлари ҳамда МФЙ раислари иштирокида ўтказилган йиғилишда Ўзбекистон жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони юзасидан маълумотлар берилди.

2022-03-30 17:12:10